

ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБЛАР ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Маиший-техника жиҳозлари- бизнинг ёрдамчиларимиз					
Муддати		Май ойининг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсад	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларни йўналишларни ўзгартирган ҳолда жуфт бўлиб юриш ва югуришга ўрганади; коптокни юқорига иргитиб уни илиб олади юриш ва югуришда копток билан ўйинайди такрорлайди,сакраб ва югурадиБолалар жуфт бўлиб юриш ва югуришга ўрганади;Ҳаракатларни ўзгартирган ҳолда юриш ва югуришга ўрганади. Коптокни юқорига иргитиб ва илиб олади. Копток билан ўйнашни такрарллайди. Болалар хавфли вазиятлардан электр жиҳозларидан ўзини ҳимоялашга ўрганади					
	Ижтимоий–ҳиссий ривожланиш	Катталар ва тенгдошлари билан тўғри мунасабатда бўлади. Берилган вазифаларни ўз вақтида тўғри бажаришга ўрганади, уни охирига етказиш ва сифатли бажаришгаўрганади.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Маиший техникани тасвирлай олиш, уларни солиштириш, нутқни ривожлантириш, расмни тасвирлаш, тарбиячининг турли саволларига жавоб беришга					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни маиший техника ва уларнинг қисмлари билан таништириш, маиший техника жиҳозларини тасвирлай олиш ва ўз фикрини баён қилишга ўргатиш, 5 та геометрик шакллар билан амаллар бажариш, предметларни таққослаш ўхшаш предметларни топишга ўргатиш					
	Ижодий ривожланиш	Матндаги сўзларни турли оҳангда: мулойим, айёр, қўрқинчли овозда айтиш билан матнларга мос ҳаракатларни бажариш болаларда мустақиллик, ижодкорликни ривожлантириш, кўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этиш, мусиқа оҳангига мос қўл ҳаракатларини кўрсатиш, тасвирий фаолиятнинг ноанаънавий техник усуллари қўллашга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий жараёни					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Қуриш-ясаш: Музлатгич	Геометрик шакллар (предметларни таққослаш)			Қутича, иккиламчи материаллар, қўлда тайёрланган материал, маиший асбоблар расми, ҳар бир болага геометрик шакллар тўплами. (катта, кичик), геометрик мозаика	
	Сюжетли –ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Маиший техник иҳозлар дўкони” сюжетли-ролли ўйин		“Қўғирчоғим кўйлаги” сюжетли-ролли ўйин		Телефон, фен, дазмал, доска, касса аппарати, болалар тикув машинаси, кир ювиш машинаси, дазмол тахтаси, дазмол	
	Тил ва нутқ	Маиший асбоблар			Уйдаги маиший асбоблар		Ҳар-хил маиший асбоблар расми, геометрик шакллар тасвирланган катта ва кичик карточкалар, ҳар хил маиший буюмлар расми, мебель жиҳозлари
	Фан ва табиат	Атрофимиздаги ёруғлик манбалари					Ёруғлик манбаи тасвирланган суратлар (кун, ой, юлдуз, ой қуни гулхан, лампа)
	Санъат	Аппликация: Телевизор		Лой иши: Бизнинг ёрдамчилар		Расм: Маиший асбоблар белгиси	Рангли картон, рангли қоғоз, қайчи, елим, фломастер, қалам, пластилин, клеёнка, стек, ўйинчоқ чой сервис, бўёқ, мўйқалам, салфетка, расмлар
	Умумий гуруҳ билан ишлаш						

МАЙ. ТЎРТИНЧИ ҲАФТА
МАИШИЙ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР- БИЗНИНГ ЁРДАМЧИМИЗ

Куриш-ясаи ва математика маркази

Куриш-ясаи: Музлатгич

Мақсад: болалар ташландиқ материаллар (кути)дан музлатгич ясайдилар, катта шаклларнинг номини айтадилар ва санашни биладилар, шакл ва ранглари ажратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кутичалар, оқ гуашъ ёки оқ қоғоз, пахтали чўплар, елим, қайчи, маиший техника жиҳозларининг расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Маиший техника жиҳозларининг расмларини кўриш.
2. Кутичадан музлатгич ясашни режалаштириш.
3. Безаш. Ҳар хил атрибутлар билан кўшимча безатиш.
4. “Менинг оилам” таълимий ўйини.

Кўшимча: “Музлатгичда нималар сақланади?” мавзусида суҳбат ўтказиш, хоҳишларига кўра иккиламчи материаллардан мева ва бошқа маҳсулотларни ясаб музлатгичга жойлаштиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: предметнинг узунлиги ва ўлчамини билиш, ишни тугатгач нарсаларни ўз жойига қўйишга ўргатиш.

Куриш-ясаи ва математика

Геометрик шакллар (предметларни таққослаш)

Мақсад: болалар доира, тўғри тўртбурчак, учбурчак, квадрат, овал –ясси геометрик шаклларини биладилар, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини айтиб бера оладилар, да ўхшаш шаклли предметларни топадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун геометрик шакллар тўплами (катта кичик), геометрик мозаика.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўхшаш шаклларни бир-бирига қиёслаш (доира-овал, тўғри тўртбурчак –квадрат, учбурчак-пирамида).
2. “Катталиги бўйича танла” таълимий ўйини, (битта белги асосида геометрик шаклларни гуруҳлаш (ўлчами), бир ўлчамда йиғиш, “Геометрик мозаика”.
3. “Ажойиб халтача” таълимий ўйини (геометрик шаклларнинг предметларга ўхшаш томонини айтиш).

Кўшимча: “Шаклидан топ”, “Шаклларни йиғ” таълимий ўйинлари.

Эътиборга молик жиҳати: диққатни жамлаш орқали болаларни ўйинга қизиқтириш.

Сюжетли- ролли ўйинлар ва сахналаштириш

“Маиший техник жиҳозлар дўкони” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар сотувчи касби ҳақида тушунчага эга бўладилар, ҳар хил маиший техник жиҳозлар билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: телефон, фен, дазмал, дазмоллаш учун тахта, касса аппарати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Маиший техника жиҳозлари дўконидан нималар харид қилиш мумкинлиги ҳақида суҳбат.
2. Маиший техника жиҳозлари ҳақида топишмоқлар.
3. Кичик ҳикоя тузиш.
4. Ролларни тақсимлаш.
5. Ўйин фаолияти.

Кўшимча: “Муруватчалар” мультфильмини томоша қилиш. “Тасвири бўйича топ” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: сюжетли-ролли ўйинларни мустақил ўйнаш, бир-бирлари билан келишиб ўйнашга ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш

“Қўғирчоғим кўйлаги” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар тикув машинаси, кир ювиш машинаси, дазмол, дазмол босиш тахтасини биладилар, техник жиҳозлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш ҳақида тушунчага эга бўладилар ва ушбу ўйинлар учун атрибутларни мустақил танлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар тикув машинаси, кир ювиш машинаси, дазмол, дазмол босиш тахтаси, кирни қуришти мосламаси, қўғирчоқ, қўғирчоқ кийимлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кийиниш одоби ҳақида суҳбат. Қўғирчоқ кийимларини тикиш, ювиш, дазмол босишда биринчи ёрдамчи бўлиб хизмат қиладиган маиший техника жиҳозларини эслаш.
2. Ўйин боришини режалаштириш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин фаолияти.

Қўшимча: ўйинда ролларнинг алмашинувини таклиф этиш, инсон ҳаётида маиший техника жиҳозларининг ўрни ҳақида, ҳаёт хавфсизлиги асослари бўйича тушунчаларни бериш.

Эътиборга молик жиҳати: дўстона тарзда ўйнаш ва мустақил қарор қабул этиш. Луғат бойликларини ошириш.

Тил ва нутқ

Маиший техника жиҳозлари

Мақсад: болалар маиший анжомлар ва уларнинг вазифаларини биладилар,

Керакли жиҳоз ва материаллар: маиший анжомлар тасвирланган карточкалар, катта ва кичик геометрик шакллар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Бизга уйда ёрдам берувчи маиший техника жиҳозларининг номларини айтинг?”
 - Чанг ютгич нима учун керак?
 - Газ плитаси нима учун керак?
2. Мавзу бўйича топишмоқлар айтиш.
3. “Сехрланган сўз” таълимий ўйини.
4. “Катта-кичик” таълимий ўйини.

Қўшимча: маиший техника жиҳозларини ишлатганда хавфсизлик чораларини кўриш ҳақида суҳбатлашиш.

Эътиборга молик жиҳати: луғатни бойитиш, гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш.

Тил ва нутқ

Уйдаги маиший техника жиҳозлари

Мақсад: болалар маиший техника жиҳозларининг номларини, уларнинг қандай вазифа бажаришга мўлжалланганлиги, фойдаланиш чоғида хавфсизлик қоидаларига амал қилиш қоидаларини биладилар, содда гаплар асосида кичик ҳикоя тузадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: маиший техника жиҳозлари тасвирланган суратлар(телевизор, микротўлқинли печь, нон пишириладиган печь, соч қурутгич ва бош.).

Фаолиятнинг бориши.

1. Маиший техника жиҳозлари ҳақида суҳбат.
 - Телевизор-кўрсатади, маълумот беради.
 - Чангютгич- тозалайди, чангни ютади.

Плита- овқат пиширади, иситади.

Телефон– мулоқот қилади.

2. “Уйда қандай майший техника жиҳозларидан фойдаланилади?” АКТ.

3. Танлаб олган расм асосида кичик ҳикоя тузиш

Қўшимча: “Мурувватчалар” мультфильмини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар фаоллигига, боғланишли нутқ малакаларининг шаклланишига эътибор бериш.

Фан ва табиат

Атрофимиздаги ёруғлик манбалари

Мақсад: болалар куёш ҳақида тасаввурга эга бўладилар, куёшнинг жонли табиат учун аҳамиятини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ёруғлик манбалари тасвирланган расмлар (куёш, ой, юлдуз, шам, гулхан, чироқ), шам, фонарь.

Фаолиятнинг бориши:

1. Куёшнинг инсон ва ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида суҳбат.

Куёш ёруғлик ва иссиқлик манбаи эканлиги, куёш ботганда тун бўлиши.

Куёш нурининг жонли табиат (ўсимликлар ва ҳайвонлар)га таъсири.

2. Юлдузли осмон ва ой ҳақида

Нима учун юлдузлар кичкина бўлиб кўринади?

3. Ёруғлик манбалари билан танишиш.

4. Болалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. “Тун ва кун” ўйини.

Қўшимча: сайр вақтида куёш нурларининг иссиқ тафти, ўсимликларнинг ўсиши учун аҳамияти ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг фаоллигини ошириш, инсон ҳаётида ёруғлик манбаларининг аҳамияти ҳақида билиш.

Санъат

Аппликация: Телевизор

Мақсад: болалар ўзларига таниш предметларнинг тасвирини қирқиб ёпиштира оладилар. Уларни қоғозда тўғри жойлаштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли оқ қоғоз, рангли картон, қайчи, бўёқ, мўйқалам, фломастер, телевизор тасвирланган расм, намуналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар мавзуга доир расмлар томоша қиладилар.

2. “Тапни давом эттир” таълимий ўйини.

Чангютгич уйни.....

Гўшт қиймалагич гўштни.....

Кир ювиш машинаси кирни.....

3. Тайёр иш намунасини кўриб чиқиш.

4. Амалий иш. Амалий ишни бажаришда ижодий ёндошишни таклиф этиш.

Қўшимча: Амалий иш бажариш жараёнида қўшимча безак беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: тасвирий иш намуналарининг тартибли, эстетик дид билан бажарилиши.

Санъат

Лой иши: Бизнинг ёрдамчилар

Мақсад: болалар тўғри туртбурчак шаклидаги предметларни ясай оладилар, деталлар билан бойитиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, клеёнка, стек, салфетка, майший техника воситаларининг расмлари ва ўйинчоқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарбиячининг маиший техника воситалар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида суҳбати.
2. Суратдаги ўйинчоқларни томоша қилиш.
3. Ясашиш усуллари кўрсатиш.
4. Фаолиятни бажариш.
5. Болалар фаолиятининг кўргазмасини яратиш.

Қўшимча: маиший техника жиҳозлари (музлатгич, телефон) ҳақида шеърлар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторикани ривожлантириш.

Санъат**Расм: Маиший техника жиҳозлари учун белгилар**

Мақсад: болалар маиший техника жиҳозларини биладилар, шакл, ҳажм ҳақида тасаввурга эгалар, мустақил ишлай оладилар, рангларнинг мосини танлай оладилар, расм тасвирини қоғоз варағида жойлаштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли қоғоз, рангли қаламлар, маиший техника жиҳозлари учун белгилар иллюстрацияси: “Нима қилиш мумкин эмас?”

Фаолиятнинг бориши:

1. Маиший техника жиҳозлари иллюстрацияларини кўздан кечириш.
2. Ҳаёт хавфсизлиги асослари ҳақида суҳбат.
3. “Нима қилиш мумкин эмас?” таълимий ўйини.
4. Амалий иш фаолияти.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Муруватчалар” мультфильмининг томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тасвирий иш намуналарининг тартибли, эстетик дид билан бажарилиши.